

**ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СИРДАРЁ ВИЛОЯТ СУДИ
АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ 03-55-19-СОНЛИ
А Ж Р И М И**

2019 йил сентябрь ойининг 30 куни, жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилоят суди апелляция инстанцияси судлов ҳайъати ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилоят суди раисининг ўринбосари Б.Қурбанов, ҳайъат судьялари С.Расулов ва О.Маннатовдан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси Ш.Байсариевнинг котиблигида, тарафлардан Сирдарё вилоят прокуратурасининг бўлим катта прокурори Д.Кодиров, бўлим прокурори Ж.Холикулов, судланувчи М.Б ва унинг ҳимоячилари Тошкент шаҳридаги “TINIQOYDEK NIHOYA” адвокатлик фирмаси адвокати Т.Тиллаева, Ф.Фархутдинова, судланувчи А.Ш ва унинг ҳимоячиси Тошкент шаҳридаги “CHILONZOR NIHOYA” адвокатлик ҳайъати адвокати О.Умаров, судланувчи М.О ва унинг ҳимоячиси Гулистон шаҳридаги “TEMURBEK QOLQONI” адвокатлик бюроси адвокати А.Оқжигитовларнинг иштирокида, жиноят ишлари бўйича Гулистон шаҳар судининг 2019 йил 28 мартдаги ҳукмига кўра:

[Redacted], миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-маҳсус, муқаддам Ширин шаҳар электр тармоқлари корхонаси бошлиғи лавозимида ишлаган, ишсиз, оилали, 3 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, Боёвут тумани, Наврўз маҳалласи, Ободлик кўчаси, 1-уйда яшайди, “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилганга

[Redacted] ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-маҳсус, турмушга чиқмаган, Ширин шаҳар электр тармоқлари корхонасида МИБ билан ишловчи муҳандис лавозимида ишлаган, вақтинча ишсиз, муқаддам судланмаган, Ширин шаҳар, Фарҳод маҳалласи, 2-уйда яшайди, “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилганга

[Redacted] Ховос туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-маҳсус, турмушга чиқмаган, Ширин шаҳар электр тармоқлари корхонасида электр энергияни ҳисобга олиш сектор ҳисобчи оператори лавозимида ишлаган, вақтинча ишсиз, муқаддам судланмаган, Боёвут тумани, Ширин маҳалласи, Зафарон

кўчаси, 33-уйда яшайди, “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилганга

нисбатан чиқарилган ҳукми устидан судланувчи М.Б ва унинг ҳимоячилари, адвокат Т.Тиллаева, Ф.Фархутдинова, судланувчи А.Ш ва унинг ҳимоячиси, адвокат О.Умаров ҳамда судланувчи М.Олар томонидан берилган апелляция шикоятларига асосан жиноят ишини апелляция тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Гулистон шаҳар судининг 2019 йил 28 мартдаги ҳукмига кўра:

_____ “Г” банди билан иш ҳақининг ўттиз фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил 6 (олти) ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси, ЖК 45-моддасига асосан 2 (икки) йил муддатга давлат органларида мансабдорлик ва моддий жавобгарлик билан боғлиқ лавозимларда ҳамда давлат органининг хизматчиси вазифасида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазоси, ЖКнинг 209-моддаси 1-қисми билан иш ҳақининг ўттиз фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси, ЖКнинг 59-моддаси тартибида тайинланган асосий жазоларни қисман, қўшимча жазони тўлиқ қўшиш йўли билан узил-кесил ўташлик учун 2 (икки) йил муддатга давлат органларида мансабдорлик ва моддий жавобгарлик билан боғлиқ лавозимларда ҳамда давлат органининг хизматчиси вазифасида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган ҳолда иш ҳақининг ўттиз фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 3 (уч) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган.

_____ билан иш ҳақининг йигирма фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 (бир) йил 6 (олти) ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси, ЖКнинг 45-моддасига асосан 2 (икки) йил муддатга давлат органларида мансабдорлик ва моддий жавобгарлик билан боғлиқ лавозимларда ҳамда давлат органининг хизматчиси вазифасида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазоси, ЖКнинг 28,209-моддаси 1-қисми билан иш ҳақининг йигирма фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 (бир) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси, ЖКнинг 59-моддаси тартибида тайинланган асосий жазоларни қисман, қўшимча жазони тўлиқ қўшиш йўли билан узил-кесил ўташлик учун 2 (икки) йил муддатга давлат органларида мансабдорлик ва моддий жавобгарлик билан боғлиқ лавозимларда ҳамда давлат органининг хизматчиси вазифасида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган ҳолда иш ҳақининг йигирма фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган.

_____ Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “Г” банди билан иш ҳақининг йигирма фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 (бир) йил 6 (олти) ой муддатга

ахлоқ тузатиш ишлари жазоси, ЖКнинг 45-моддасига асосан 2 (икки) йил муддатга давлат органларида мансабдорлик ва моддий жавобгарлик билан боғлиқ лавозимларда ҳамда давлат органининг хизматчиси вазифасида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазоси, ЖКнинг 28,209-моддаси 1-қисми билан иш ҳақининг йигирма фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 (бир) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси, ЖКнинг 59-моддаси тартибида тайинланган асосий жазоларни қисман, қўшимча жазони тўлиқ қўшиш йўли билан узил-кесил ўташлик учун 2 (икки) йил муддатга давлат органларида мансабдорлик ва моддий жавобгарлик билан боғлиқ лавозимларда ҳамда давлат органининг хизматчиси вазифасида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган ҳолда иш ҳақининг йигирма фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган.

Мазкур ҳукм билан [REDACTED] ҳам судланган бўлиб, суд ҳукмининг уларга оид қисми бўйича шикоят ёки протест келиб тушмаганлиги сабабли уларга оид қисми кўрилмайди.

Суднинг ҳукмига кўра, А.Ш 2016 йил 14 апрелдан 2017 йил 27 январга қадар Ширин шаҳар электр таъминоти корхонасида электробаланс ҳисобчиси лавозимида ишлаб келиб, мансабдор шахс ҳисобланиб, Ширин шаҳар электр тармоқлари корхонаси энерго сотиш гуруҳи муҳандиси [REDACTED]

[REDACTED] билан олдиндан жиноий тил бириктириб, фуқаролардан тўлов қвитанциялари орқали ҳаммаси бўлиб 381 та ҳолатда 46.095.472 сўм анча миқдордаги пул маблағларини фуқаролардан истеъмол қилинган электр энергияси учун тўлов сифатида олиб, банк кассасига топширмасдан ҳамда ҳақиқатда корхонанинг банк ҳисоб рақамига тушмаган электр энергияси тўловларни компьютер техникаси воситаларидан фойдаланган ҳолда электр энергияси истеъмолчилари билан ҳисоб китоблари олиб бориладиган “ПК Электроучёт” дастури асосида фуқароларнинг шахсий ҳисоб рақамларига электр энергияси ҳақи тўланганлиги ҳақида сохта ёзувлар киритиб 46.095.472 сўмлик анча миқдордаги ўзганинг пул маблағларини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилган.

Бундан ташқари, судланувчи А.Ш Ширин шаҳар электр таъминоти корхонасида электробаланс ҳисобчиси лавозимида ишлаб келиб, мансабдор шахс ҳисобланиб, ғаразгўйлик ёки бошқа манфаатларни кўзлаб, Ширин шаҳар электр тармоқлари корхонаси энергосотиш гуруҳи муҳандиси [REDACTED]

[REDACTED] ровналар билан ўзганинг мулкани ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан талон-торож қилиш бўйича олдиндан жиноий тил бириктириб, электр энергияси истеъмолчиларидан 381 та ҳолатда жами 46.095.472 сўм анча миқдордаги пул маблағларини истеъмол қилинган электр энергияси учун тўлов сифатида олиб, ўзларининг содир этилган жиноятларини яшириш мақсадида расмий ҳужжат ҳисобланган электр энергияси ҳақи тўланганлиги тўғрисидаги тўлов қвитанцияларини қалбакилаштириб, уларни фуқароларга тақдим этиб, ҳақиқатда корхонанинг банк ҳисоб рақамига тушмаган электр энергияси тўловларини

компьютер техникаси воситаларидан фойдаланган ҳолда электр энергияси истеъмолчилари билан ҳисоб китоблари олиб бориладиган “ПК Электроучёт” дастурига гўёки Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2001 йил 15 майда 1031-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган “Ташкилотлар ва муассасалар томонидан ўз ходимларидан коммунал хизматлар учун ҳақини иш ҳақидан ушлаб қолиш кўринишида қабул қилиш тартиби тўғрисида”ги Низом асосида “Сирдарё ИЭС қурилиш” АЖ, “Шарқтехэнерготаямир” кўшма корхонаси, “Электроизолит” кўшма корхонаси, Ширин энергетика ва маиший хизмат касб-хунар коллежи, “Боёвут Фаровонлиги” МЧЖ, Ширин шаҳар тиббиёт бирлашмаси ҳамда Ширин шаҳар 5-мактабгача таълим муассасасида ишловчи ходимларнинг иш ҳақлари ҳисобидан электр энергияси ҳақи сифатида тўланганлиги ҳақида сохта ёзувлар киритиб, Ширин шаҳар электр тармоқлари корхонаси манфаатларига анча миқдорда зарар етказган.

Судланувчи [REDACTED] 2009 йил 1 декабрдан 2018 йил 20 февралга қадар Ширин шаҳар электр таъминоти корхонасида агент назоратчи электромонтёри лавозимида ишлаб келиб, моддий жавобгар шахс ҳисобланиб, Ширин шаҳар электр тармоқлари корхонаси энергосотиш гуруҳи муҳандиси Абдугаппаров Худаяр Абдукундузович, аҳоли бўйича оператори [REDACTED]

[REDACTED] лан олдиндан жиноий тил бириктириб, фуқаролардан тўлов қвитанцияси орқали ҳаммаси бўлиб 152 та ҳолатда 16.251.685 сўм анча миқдордаги пул маблағларини фуқаролардан истеъмол қилинган электр энергияси учун тўлов сифатида олиб, банк кассасига топширмасдан ҳамда ҳақиқатда корхонанинг банк ҳисоб рақамига тушмаган электр энергияси тўловларни компьютер техникаси воситаларидан фойдаланган ҳолда электр энергияси истеъмолчилари билан ҳисоб китоблари олиб бориладиган “ПК Электроучет” дастури асосида фуқароларнинг шахсий ҳисоб рақамларига электр энергияси ҳақи тўланганлиги ҳақида сохта ёзувлар киритиб, 16.251.685 сўмлик ўзганинг пул маблағларини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилган.

Бундан ташқари, судланувчи [REDACTED] лавозимида ишлаб келиб, моддий жавобгар шахс ҳисобланиб, ғаразгўйлик ёки бошқа манфаатларни кўзлаб, Ширин шаҳар электр тармоқлари корхонаси энергосотиш гуруҳи муҳандиси Абдугаппаров Худаяр Абдукундузович, оператори Омонова Мафтуна ҳамда корхонанинг Электробаланс ҳисобчилари [REDACTED]

[REDACTED] ан талон-торож қилиш бўйича олдиндан жиноий тил бириктириб, электр энергияси истеъмолчиларидан 152 та ҳолатда жами 16.251.685 сўм анча миқдордаги пул маблағларини истеъмол қилинган электр энергияси учун тўлов сифатида олиб, ўзларининг содир этилган жиноятларини яшириш мақсадида расмий ҳужжат ҳисобланган электр энергияси ҳақи тўланганлиги тўғрисидаги тўлов қвитанцияларини қалбакилаштириб, уларни фуқароларга тақдим этиб, ҳақиқатда корхонанинг банк ҳисоб рақамига тушмаган электр энергияси тўловларини компьютер техникаси воситаларидан фойдаланган ҳолда электр энергияси истеъмолчилари

билан ҳисоб китоблари олиб бориладиган “ПК Электроучет” дастурига гўёки Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2001 йил 15 майда 1031-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган “Ташкилотлар ва муассасалар томонидан ўз ходимларидан коммунал хизматлар учун ҳақини иш ҳақидан ушлаб қолиш кўринишида қабул қилиш тартиби тўғрисидаги Низом” асосида “Сирдарё ИЭС қурилиш” АЖ, “Шарқтехэнерготаямир” қўшма корхонаси, “Электроизолит” қўшма корхонаси, Ширин энергетика ва маиший хизмат касб-хунар коллежи, “Боёвут Фаровонлиги” МЧЖ, Ширин шаҳар тиббиёт бирлашмаси ҳамда Ширин шаҳар 5-мактабгача таълим муассасасида ишловчи ходимларнинг иш ҳақлари ҳисобидан электр энергияси ҳақи сифатида тўланганлиги ҳақида сохта ёзувлар киритиб, Ширин шаҳар электр тармоқлари корхонаси манфаатларига зарар етказган.

Судланувчи М.О 2016 йил 22 августдан 2017 йил 02 октябрь кунга қадар Ширин шаҳар электр таъминоти корхонасида аҳоли бўйича оператори лавозимида ишлаб келиб, моддий жавобгар шахс ҳисобланиб, Ширин шаҳар электр тармоқлари корхонаси электробаланс ҳисобчиси А.Ш ҳамда корхонанинг агент назоратчи [REDACTED] билан олдиндан жиноий тил бириктириб, фуқаролардан тўлов қитанцияси орқали ҳаммаси бўлиб 101 та ҳолатда 10.425.300 сўмлик пул маблағларини фуқаролардан истеъмол қилинган электр энергияси учун тўлов сифатида олиб, банк кассасига топширмасдан ҳамда ҳақиқатда корхонанинг банк ҳисоб рақамига тушмаган электр энергияси тўловларни компьютер техникаси воситаларидан фойдаланган ҳолда электр энергияси истеъмолчилари билан ҳисоб китоблари олиб бориладиган “ПК Электроучёт” дастури асосида фуқароларнинг шахсий ҳисоб рақамларига электр энергияси ҳақи тўланганлиги ҳақида сохта ёзувлар киритиб, 10.425.300 сўмлик ўзганинг пул маблағларини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилган.

Бундан ташқари, судланувчи М.О Ширин шаҳар электр таъминоти корхонасида аҳоли бўйича оператор лавозимида ишлаб келиб, моддий жавобгар шахс ҳисобланиб, ғаразгўйлик ёки бошқа манфаатларни кўзлаб, Ширин шаҳар электр тармоқлари корхонаси электробаланс ҳисобчиси А.Ш ҳамда корхонанинг агент назоратчи электромонтёри [REDACTED] билан ўзганинг мулкани ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан талон-торож қилиш бўйича олдиндан жиноий тил бириктириб, электр энергияси истеъмолчиларидан 101 та ҳолатда жами 10.425.300 сўмлик пул маблағларини истеъмол қилинган электр энергияси учун тўлов сифатида олиб, ўзларининг содир этилган жиноятларини яшириш мақсадида расмий ҳужжат ҳисобланган электр энергияси ҳақи тўланганлиги тўғрисидаги тўлов қитанцияларини қалбакилаштириб, уларни фуқароларга тақдим этиб, ҳақиқатда корхонанинг банк ҳисоб рақамига тушмаган электр энергияси тўловларини компьютер техникаси воситаларидан фойдаланган ҳолда электр энергияси истеъмолчилари билан ҳисоб китоблари олиб бориладиган “ПК Электроучёт” дастурига гўёки Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2001 йил 15 майда 1031-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган “Ташкилотлар ва муассасалар томонидан ўз ходимларидан коммунал хизматлар учун ҳақини иш ҳақидан ушлаб қолиш кўринишида қабул қилиш тартиби тўғрисидаги Низом” асосида “Сирдарё ИЭС қурилиш” АЖ, “Шарқтехэнерготаямир” қўшма корхонаси, “Электроизолит”

кўшма корхонаси, Ширин энергетика ва маиший хизмат касб-ҳунар коллежи, “Боёвут Фаровонлиги” МЧЖ, Ширин шаҳар тиббиёт бирлашмаси ҳамда Ширин шаҳар 5-мактабгача таълим муассасасида ишловчи ходимларнинг иш ҳақлари ҳисобидан электр энергияси ҳақи сифатида тўланганлиги ҳақида сохта ёзувлар киритиб, Ширин шаҳар электр тармоқлари корхонаси манфаатларига зарар етказган.

Судланувчи М.Б ва унинг ҳимоячилари Т.Тиллаева, Ф.Фархутдиновалар шикоятларида, биринчи инстанция суди ишни бир томонлама ЖПКнинг талабларига зид ҳолда олиб бориб, айблов ҳукм чиқарганлигини, иш юзасидан сўралган гувоҳларнинг кўрсатмаларини инобатга олмасдан ҳақиқатни аниқламаганлиги ҳақида важлар келтириб, ишга унга оид қисмини ЖПКнинг 83-моддаси 2-қисми билан тугатишни сўралган.

Судланувчи А.Ш ва унинг ҳимоячиси, адвокат О.Умаров шикоятларида, дастлабки тергов ҳаракатлари ва биринчи инстанция суди ишни бир томонлама фақат айблов йўсинда кўриб чиққанлигини, иш бўйича аниқланиши керак бўлган ҳолатларни аниқламаганлигини, судда сўралган гувоҳларнинг кўрсатмаларини инобатга олмасдан айблов ҳукм чиқарганлигини, унинг ҳаракатларида жиноят аломатлари йўқлиги ҳақида важлар келтириб, жиноят ишини унга оид қисмини ЖПКнинг 83-моддаси 2-қисми билан тугатишни сўралган.

Судланувчи М.О шикоятида, дастлабки тергов ҳаракатлари ва биринчи инстанция суди ишни бир томонлама фақат айблов йўсинда кўриб чиққанлигини, унинг ҳаракатларида жиноят аломатлари йўқлиги ҳақида важлар келтириб, жиноят ишини унга оид қисмини ЖПКнинг 83-моддаси 2-қисми билан тугатишни сўралган.

Судлов ҳайъати, судья О.Маннатовнинг маърузаси, судланувчи М.Б ва унинг ҳимоячилари адвокат Т.Тиллаева, Ф.Фархутдинова, судланувчи А.Ш ва унинг ҳимоячиси адвокат О.Умаров, судланувчи М.Онинг ҳимоячиси адвокат А.Оқжигитовларнинг шикоятларни қўллаб-қувватлаб, уни қаноатлантириш ҳақидаги музокараларини, прокурор Д.Кодиров ва Ж.Холикуловларнинг суд ҳукмини ўзгаришсиз, шикоятларни қаноатлантирмасдан қолдириш ҳақидаги фикрларини, судланувчи М.Б ва А.Шларнинг охириги сўзларини тинглаб, шикоятдаги важларни иш материаллари асосида таҳлил қилиб, қуйидагиларга асосан суд ҳукмини М.О ва М.Бларга оид қисмини ўзгартиришни, ҳукмни қолган қисмини ўзгаришсиз, шикоятларни қисман қаноатлантиришни лозим топади.

Биринчи босқич суди судланувчи А.Ш, М.Б ва М.Оларнинг суд ҳукмида кўрсатилган жиноятни содир этганликдаги айблари ўзларининг айбларига қисман иқдорлик билдириб берган кўрсатувларидан ташқари, 1031-сонли тартиб асосида тузилган далолатнома, тушунтириш хатлари ва илова ҳужжатлар, реестр ва тўлов топширикномалар, тўловлар рўйхати ва тўлов топширикномалари, сўроқ баённомалар ва тўлов топширикномалар, ПК дастурига киритилган маълумот, ҳужжатни ёзма далил деб эътироф этиш ва жиноят ишига кўшиб қўйиш ҳақидаги қарор, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Сирдарё вилоятидаги Давлат Молиявий Назорати бошқармаси томонидан

ўтказилган тафтиш хулосаси ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа объектив далиллар билан ўз исботини топган.

Биринчи босқич суди, А.Шнинг жиноий ҳаракатларини ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “г” банди ва 209-моддаси 1-қисми билан, М.Бнинг жиноий ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “г” банди ва 28,209-моддаси 1-қисми билан, М.Онинг жиноий ҳаракатларини ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “г” банди ва 28,209-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилган.

Бирок, М.Б ва М.Олар томонидан етказилган зарарларга аниқлик киритмасдан тергов органи томонидан қўйилган айблов билан келишиб барвақт хулосага келган.

Апелляция суд мажлисида сўралган гувоҳ Р.Жўраев, ўтказилган тафтиш хулосасини тасдиқлаши, ҳақиқатдан ҳам Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Сирдарё вилоятидаги Давлат Молиявий Назорати бошқармасида бош назоратчи-тафтишчи бўлиб ишлашлиги, жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилоят апелляция инстанциясининг 2019 йил 30 майдаги ажримига асосан “Сирдарё” ХЭТК тизимида қарашли Ширин шаҳар Электр таъминоти корхонасининг ходимлари А.Ш, М.Бегболаева ва М.Оларга фуқаролар томонидан 01.01.2015 йилдан 01.02.2018 йилгача бўлган даврда тўлов квитанциялари орқали тўланган пул маблағларини шахсий ҳисоб рақамларига кирим қилинганлиги ҳолати юзасидан ўрганиш ўтказилганлиги, А.Ш ҳолати бўйича, айбловидаги қайд этилган 381 ҳолатда фуқаролар томонидан истеъмол қилинган электр энергияси учун тўлов квитанциялари орқали тўланган 46.095.472 сўм маблағ Ширин шаҳар электр тармоқлари корхонасининг “ПК Электрҳисоб” дастурига кирим қилиниши ҳолати ўрганилганда, ушбу рўйхатда қайд этилган фуқаролар бўйича 45.824.672 сўм маблағ тўлов сифатида истеъмолчиларнинг шахсий ҳисоб-рақамларига олиб борилган бўлиб, қолган 270.800 сўм маблағи истеъмолчиларнинг шахсий ҳисоб-рақамларига кирим қилинмаганлиги аниқланганлиги, “Электрҳисоб” дастурига кирим қилинган сўммаси жами 45.824.672 сўмни ташкил этиб, тўловлар қуйидаги ходимларнинг “логин”лари орқали кирим қилинганлиги, Хусанов Алишернинг “логин”и билан жами 67 та ҳолатда 11.931.000 сўм маблағ “Электрҳисоб” дастурига кирим қилинганлиги, А. [REDACTED] ов Худоёрнинг “логин”и билан жами 144 та ҳолатда 15.032.112 сўм маблағ “Электрҳисоб” дастурига кирим қилинганлиги, Омонова Мафтунанинг “логин”и билан жами 168 та ҳолатда 18.861.560 сўм маблағ “Электрҳисоб” дастурига кирим қилинганлиги, [REDACTED] нварнинг айблов [REDACTED] “логин”и билан “Электрҳисоб” дастурига киритилган 168 та ҳолатда 18.861.560 сўмлик маблағ ўрганилганда, [REDACTED] иш фаолияти даврида бўлмаган 91 та ҳолатда 11.133.060 сўмни ва ўзи ишлаган давридаги 77 та ҳолатда 7.728.500 сўмни ташкил этганлиги, Ширин шаҳар электр тармоқлари корхонасининг “ПК Электрҳисоб” дастурига кирим қилиниши ҳолати ўрганилганда, ушбу рўйхатда қайд этилган фуқаролар бўйича 14.550.785 сўм маблағ тўлов сифатида истеъмолчиларнинг шахсий ҳисоб-рақамларига олиб борилган бўлиб, шундан, 599.100 сўми истеъмолчиларнинг ойлик маоши ҳисобидан, 226.000 сўми Мунис электрон

тўлов тизими орқали, 810.000 сўми Пайнет электрон тўлов тизими орқали, 140.000 сўми истеъмолчи ҳисоб-рақамидан ўчирилган тўлов, 2.746.685 сўми М.Бегболаеванинг иш ҳақи ҳисобидан ўтказилган тўловни, шунингдек, 10.029.000 сўми тўлов қвитанциялари орқали олдинги текшириш материалларида рўйхатда кўрсатилган истеъмолчилар кесимида кирим қилинган сўммани ташкил этиб, қолган 1.705.900 сўм маблағ истеъмолчиларнинг шахсий ҳисоб-рақамларига кирим қилинмаганлиги аниқланганлигини, корхона ходими [REDACTED] айбловидаги қайд этилган 16.251.685 сўмлик тўлов юзасидан электр энергияси истеъмолчилари бўйича ҳақиқатда тўлов қвитанцияларининг мавжудлиги ҳолати ўрганилганда, тақдим қилинган йиғма жилдларда ишга тааллуқли бўлган рўйхатда кўрсатилган истеъмолчилар бўйича бирма-бир солиштириб чиқилган ҳолда маълумот тайёрланган, маълумотда рўйхатга боғлиқ бўлган мавжуд тўлов қвитанцияларининг тикилган жилди ва жилддаги рақамлари кўрсатиб ўтилганлиги, корхона ходими [REDACTED] айбловидаги қайд этилган 16.251.685 сўмлик тўлов юзасидан электр энергияси истеъмолчилари бўйича ҳақиқатда тўлов қвитанцияларининг мавжудлиги ҳолати ўрганилганда, тақдим қилинган йиғма жилдларда ишга тааллуқли бўлган рўйхатда кўрсатилган истеъмолчилар бўйича бирма-бир солиштириб чиқилган жами 10.565.485 сўмлик қвитанциялари мавжуд бўлиб, қолган 5.686.200 сўмлик қисми бўйича бошқа истеъмолчилар кесимидаги тўлов қвитанциялари мавжуд эмаслиги, М.О айбловидаги қайд этилган 101 ҳолатда фуқаролар томонидан истеъмол қилинган электр энергияси учун тўлов қвитанциялари орқали тўланган 10.425.300 сўм маблағ Ширин шаҳар электр тармоқлари корхонасининг “ПК Электрҳисоб” дастурига кирим қилиниши ҳолати ўрганилганда, ушбу рўйхатда қайд этилган 101 ҳолат бўйича 10.425.300 сўм маблағ тўлов сифатида истеъмолчиларнинг шахсий ҳисоб-рақамларига олиб борилганлиги, Сирдарё вилояти электр тармоқлари корхонаси АЖнинг 2016 йил 02 августдаги № 243-сонли буйруғига асосан Омонова Мафтуна Салим қизи 2016 йил 22 август кунидан Ширин шаҳар электр тармоқлари корхонаси аҳоли бўйича оператор вазифасига (В.Лопаткиннинг касаллик даврига) ишга қабул қилинган текширувда тақдим этилган рўйхатга асосан ўрганилганда Омонова Мафтуна томонидан 1.031 тартиби асосида киритилган ва тасдиқланган 7 дона реестри орқали 95 та истеъмолчига 10.425.300 сўмлик рўйхатдан 3 та реестр асосида 13 та истеъмолчига 2.421.000 сўмлик Омонова Мафтуна иш фаолияти давридан олдин киритилган бўлиб, қолган 4 дона реестр орқали 87 та истеъмолчига 8.003.500 сўмлик рўйхат қуйидаги вақтларда кирим қилинганлиги, юқоридагилардан келиб чиқиб, Ширин шаҳар электр тармоқлари корхонасининг “ПК Электрҳисоб” дастурида шахсий ҳисоб-рақамларига кирим қилинган 10.425.300 сўм пул маблағларидан 7.728.500 сўми оператор М.О логини орқали ўзи ишлаган даврида, 275.000 сўми Х.Абдуғаппоров логини орқали, 2.421.800 сўми оператор М.О логин қабул қилмаган саналарда унинг номидан киритилганлигини аниқлашганлиги ҳақида кўрсатув берди.

Апелляция суд мажлисида сўралган гувоҳ А.Пардабоев гувоҳ Р.Жўраевнинг кўрсатувиغا айнан ўхшаш кўрсатув берди.

Апелляция суд мажлисида сўралган гувоҳ Ғ.Норматов ҳақиқатдан ҳам

қизиларга нисбатан тергов ҳаракатларини олиб борганлигини, тергов ҳаракатлари қонуний олиб борилганлиги, тергов давомида судланувчи ва гувоҳларга тазйиқлар бўлмаганлиги, ҳаммасини қонуний бўлганлигини, гувоҳ Ф.Элиевани тушунтириш ҳатидаги 150.000 сўм айблов хулосасида 500.000 сўм деб ёзилган бўлиши мумкинлиги, бу техник хато бўлиб қолиб кетганлигини, тергов давомида М.Бга келтирилган зарарларни тўлаш бўйича тазйиқ ўтказмаганлигини, у ўз ихтиёри билан тўлаганлигини, М.Б ушбу ҳолат бўйича тушунтириш хати олганида ўзи ҳам тан олганлигини, Ў.Адилбекова яшаш уйида бошқа фуқарони фамилияси кетиб қолган бўлиши мумкинлигини, бу техник хато бўлиши мумкинлигини, тергов давомида гувоҳ сифатида сўралган гувоҳ С.Волкова, С.Карниенко, А.Алугинлар ўзбек тилини биламан деганлиги учун уларга таржимон иштирок эттирмаганлигини, у тергов давомида хатшуностлик экспертизаси ва бошқа экспертиза тайинламаганлиги сабаби М.Б, М.О ва А.Шлар ўзларини айбларини тан олганлиги учун экспертиза тайинламаганлигини, тергов даврида МИБ ходимлари дастур қилиб берганлиги, шу дастурни инобатга олиб, сўммаларини чиқарганлигини, гувоҳларнинг тушунтириш ҳатидаги сўмма билан айбловдаги сўммалар фарқ қилиши техник хатолик бўлганлигини, сабаби ишни ҳажми катта бўлганлиги, Омонова Мафтуна бўйича тергов даврида вилоят электр таъминоти корхонасидан маълумот олганлигини, маълумотда “ПК Электроучёт” дастурига кириш ключи М.Ога бириктирилганлиги кўрсатилганлиги, М.О хизмат сафарида бўлганлиги ҳақидаги маълумотни олиб келиб бермаганлиги, М.О ишга кирмасдан олдин, Ширин шаҳар электр тармоқлари корхонасида иш ўрганиб бошқа вазифаларни бажариб юрганлиги, “ПК Электроучёт” дастурига кириш ключи бириктирилган, лекин расмий ишламаганлиги, М.О ўқишда бўлганлиги ҳақида маълумот олиб келиб бермаганлиги, 2016 йил август ойида ҳам электро ҳисоб дастуридан фойдаланиши М.Ога бириктирилганлигини баъзада кўрганлиги, А.Шга ПК “Электро учёт” дастурига кириш ключи бириктирилмаганлиги, терговда А.Шни ўзи келтирилган зарарларни тан олганлиги, ўша вақтда бош бухгалтерлик лавозими ҳам ва раҳбарлик лавозимлари ҳам А.Шга бириктирилганлиги, шу сабабли печат ҳам А.Шга буйруқ билан бириктирилган ҳақида маълумот олганлиги ҳақида кўрсатув берди.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Сирдарё вилоятидаги Давлат Молиявий Назорати бошқармаси томонидан ўтказилган тафтиш хулосасида “ПК Электрҳисоб” дастурига кирим қилиниши ҳолати ўрганилганда, айбловидаги рўйхатда қайд этилган фуқаролар бўйича 14.550.785 сўм маблағ тўлов сифатида истеъмолчиларнинг шахсий ҳисоб-рақамларига олиб борилган бўлиб, шундан, 599.100 сўми истеъмолчиларнинг ойлик маоши ҳисобидан, 226.000 сўми Мунис электрон тўлов тизими орқали, 810.000 сўми Пайнет электрон тўлов тизими орқали, 140.000 сўми истеъмолчи ҳисоб-рақамидан ўчирилган тўлов, 2.746.685 сўми М.Бегболаеванинг иш ҳақи ҳисобидан ўтказилганлиги, 10.029.000 сўми тўлов квитанциялари орқали

олдинги текшириш материалларида рўйхатда кўрсатилган истъомолчилар кесимида кирим қилинган сўммани ташкил этганлиги, Ширин шаҳар электр тармоқлари корхонасининг “ПК Электрхисоб” дастурида шахсий ҳисоб-рақамларига кирим қилинган 10.425.300 сўм пул маблағларидан 7.728.500 сўми оператор М.О логини орқали ўзи ишлаган даврида, 275.000 сўми [REDACTED] логини орқали, 2.421.800 сўми оператор М.О логин қабул қилмаган саналарда унинг номидан киритилганлиги қайд этилган.

Судлов ҳайъати, юқоридагиларга асосан судланувчи [REDACTED] 10.029.000 сўм, судланувчи М.Они 7.728.500 сўм ўзганинг маблағларини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилишган деб ҳисоблаб, [REDACTED] томонидан ортиқча тўланган 4.521.785 сўмни ўзига қайтаришни лозим топди.

Шунингдек, биринчи босқич суди, судланувчи [REDACTED] ва М.Оларга нисбатан жазо тайинлашда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 01-сонли Қарори тушунтиришларга риоя қилмасдан, судланувчининг шахсига номувофиқ бўлган жазо тайинлаган.

Судлов ҳайъати, судланувчи [REDACTED] 10.029.000 сўм ўзганинг маблағларини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилишганлиги, яъни етказилган зарарларнинг кам миқдорда эканлигини, зарарнинг тўлиқ қопланганлигини, муқаддам судланмаганлигини, оилада ягона боқувчи эканлигини, аёл киши эканлигини инобатга олиб, унга нисбатан ЖКнинг 45-моддасига асосан тайинланган 2 (икки) йил муддатга давлат органларида мансабдорлик ва моддий жавобгарлик билан боғлиқ лавозимларда ҳамда давлат органининг хизматчиси вазифасида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазоси чиқаришни, унинг шахсини, оилавий аҳволини, оилада ягона боқувчи эканлигини, унинг ҳулқини назорат қилиш йўли билан қайта тарбиялаш мумкинлигини эътироф этган ҳолда, унга нисбатан тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 72-моддасига асосан тайинланган жазони шартлига алмаштириб, синов муддати белгилашни лозим топди.

Судлов ҳайъати, судланувчи М.О 7.728.500 сўм ўзганинг маблағларини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилишганлиги, яъни етказилган зарарларнинг кам миқдорда эканлигини, зарарнинг тўлиқ қопланганлигини, қарамоғида онаси борлиги, қилмишидан пушаймонлиги, муқаддам судланмаганлигини, оилавий аҳволини, аёл киши эканлигини инобатга олиб, унга нисбатан ЖКнинг 45-моддасига асосан тайинланган 2 (икки) йил муддатга давлат органларида мансабдорлик ва моддий жавобгарлик билан боғлиқ лавозимларда ҳамда давлат органининг хизматчиси вазифасида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазоси чиқаришни, унинг шахсини, оилавий аҳволини, унинг ҳулқини назорат қилиш йўли билан қайта тарбиялаш мумкинлигини эътироф этган ҳолда, унга нисбатан тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 72-моддасига асосан тайинланган жазони шартлига алмаштириб, синов муддати белгилашни лозим топди.

Биринчи инстанция суди судланувчи А.Шга жазо тайинлашда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳамда Ўзбекистон

Республикаси Олий Суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти ҳақида”ги 1-сонли Қарорининг берилган тушунтиришларга риоя қилиб, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ хусусиятини, қарамоғида уч нафар вояга етмаган фарзандлари борлигини, муқаддам судланмаганлигини, содир этган жинояти оғир жиноятлар туркумига кириши, жиноятни содир этишдаги иштироки ва ролини, шу билан бирга унинг шахсини, оилавий ахволигини жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни инобатга олиб, у айбланган моддалар санциясида жазо тайинлаб, қонуний ҳулосага келган.

Судланувчиларнинг шикоятларидаги, дастлабки тергов ҳаракатлари ва биринчи инстанция суди ишни бир томонлама фақат айблов йўсинда кўриб чиққанлиги, уларнинг ҳаракатларида жиноят аломатлари йўқлиги ҳақида важлари билан келишиб бўлмайди.

Уларнинг айблари ўзларининг айбларига қисман иқрорлик билдириб берган кўрсатувларидан ташқари, 1031-сонли тартиб асосида тузилган далолатнома, тушунтириш хатлари ва илова ҳужжатлар, реестр ва тўлов топшириқномалар, сўроқ баённомалар ва тўлов топшириқномалар, ПК дастурига киритилган маълумот, ҳужжатни ёзма далил деб эътироф этиш ва жиноят ишига қўшиб қўйиш ҳақидаги қарор, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Сирдарё вилоятидаги Давлат Молиявий Назорати бошқармаси томонидан ўтказилган тафтиш ҳулосаси, судлов ҳайъатида сўроқ қилинган гувоҳларнинг кўрсатуви билан тўлиқ ўз тасдиғини топган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 490, 496, 497¹¹, 497¹³, 497¹⁶, 497¹⁸-моддаларига амал қилиб, апелляция инстанцияси судлов ҳайъати

А Ж Р И М Қ И Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилояти Гулистон шаҳар судининг 2019 йил 28 мартдаги судланувчи

иларга оид қисми ўзгартирилиб, қонунга мувофиқлаштирилсин.

Судланувчи Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “г” банди билан ЖКнинг 45-моддасига асосан тайинланган 2 (икки) йил муддатга давлат органларида мансабдорлик ва моддий жавобгарлик билан боғлиқ лавозимларда ҳамда давлат органининг хизматчиси вазифасида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазоси тайинлаш қисми бекор қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “г” банди ва 28,209-моддаси 1-қисми билан ЖКнинг 59-моддаси тартибида тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси ўзгаришсиз қолдирилсин.

нисбатан тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 72-моддасига асосан шартли деб топилиб, 1 (бир) йил синов муддати белгилансин.

Синов муддати ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, яъни 2019 йил 28 мартдан бошлаб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 72-моддаси 3-қисмига асосан

ИИБдан рўйхатдан ўтиш, яшаш жойи ўзгарган тақдирда дарҳол Ширин шаҳар ИИБга ҳабар бериш мажбуриятлари юклатилсин.

Судланувчи [REDACTED] хулқи устидан назоратни олиб бориш Ширин шаҳар ИИБ бошлиғи зиммасига юклатилсин.

Судланувчи [REDACTED] қизига Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “г” банди билан ЖКнинг 45-моддасига асосан тайинланган 2 (икки) йил муддатга давлат органларида мансабдорлик ва моддий жавобгарлик билан боғлиқ лавозимларда ҳамда давлат органининг хизматчиси вазифасида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазоси тайинлаш қисми бекор қилинсин.

[REDACTED] қизига Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “г” банди ва 28,209-моддаси 1-қисми билан ЖКнинг 59-моддаси тартибида тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси ўзгаришсиз қолдирилсин.

Судланувчи [REDACTED] қизига нисбатан тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 72-моддасига асосан шартли деб топилиб, 1 (бир) йил синов муддати белгилансин.

Синов муддати ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, яъни 2019 йил 28 мартдан бошлаб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 72-моддаси 3-қисмига асосан Омонова Мафтуна Салим қизига яшаш жойи ўзгарган тақдирда дарҳол Ширин шаҳар ИИБга ҳабар бериш мажбурияти юклатилсин.

Судланувчи [REDACTED] қизининг хулқи устидан назоратни олиб бориш Ширин шаҳар ИИБ бошлиғи зиммасига юклатилсин.

Судланувчи [REDACTED] томонидан ортиқча тўланган 4.521.785 сўм ўзига қайтарилсин.

Суд ҳукмининг судланувчи [REDACTED] оид қисми ўзгаришсиз қолдирилсин.

Суд ҳукмининг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилсин.

Судланувчи [REDACTED]

[REDACTED] иқоятлари қисман қаноатлантирилсин.

Судланувчи [REDACTED]

**Раислик қилувчи
Ҳайъат судьялари**

**Б.Курбанов
С.Расулов
О.Маннатов**

*Ажрим нусхаси аслига тўғри,
вилоят судининг судьяси*

О.Маннатов